

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НУРИДДИН АБДУРАЎМОН ИБН**



**АЎМАД ЖОМИЙ**

**ТОШКЕНТ-2004**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**НУРИДДИН АБДУРАЎМОН ИБН  
АЎМАД ЖОМИЙ**

**Таваллудининг 590 йиллиги муносабати билан**

Методик-библиографик кўлланма

**ТОШКЕНТ-2004**

## Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: У.Тешабоева  
Муҳаррир: Ў.Мамтраимова  
Масъул муҳаррир: А.Турсунов  
Матн терувчи: З.Джалилова

Шарқнинг гениал шоири ва мутафаккири, Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик намояндаси Мавлоно Нуриддин Абулбаракай ибн Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Жомий таваллудининг 590 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма ёзувчи ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

## К И Р И Ш

Ўрта асрлар мусулмон Шарқ оламининг буюк мутафаккирлари каторида минтақамиз адабий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида ўзининг бой ва бебаҳо адабий-бадий, фалсафий-ижтимоий, диний-ирфоний ва илмий-назарий мероси билан алоҳида ўрин тутган, Мовароуннаҳр ва Хуросон заминида яшаб, форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир олим, шоир ва Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик намояндаси Мавлоно Нуриддин Абулбаракот ибн Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Жомий асарлари кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Ҳиротда марказлашган маданий муҳитнинг энг кўзга кўринган намояндаси, устоз раҳнамо Жомий қаламига мансуб бўлган ижод намуналари илм ва тафаккурнинг барча соҳаларига оиддир. Улар лирик шеърят, эпик асарлар, адабиёт назарияси, фалсафа, тилшунослик, мусиқа, санъатшунослик, тасаввуфга доир юзга яқин асарлардан иборат.

Абдураҳмон Жомий ўзидан олдин ўтган донишмандлар таълимотларига таянган ҳолда пантеистик дунёқарашни бойитди, ҳақиқий Борлик – Соф Нур ва инсон дунёсининг, инсон руҳий ва жисмоний кўринишларининг ўзаро муносабати ва бирлиги ҳақидаги қарашларни ривожлантирди. Мутафаккир ўз қобилиятли кучини – жисмоний ва руҳий бирлик мутаносиблигини бузувчи қусурларни фош этишга қаратди, ҳақиқий умуминсоний қадрият – ахлоқий-руҳий қамолотга интилишга чақирди. Унинг ғоявий-назарий, фалсафий мавқеи маълум даражада қадимги Осиё, Чин, Ҳиндистон ҳамда Ғарбий Европа таъсирини, айниқса, қадимги Юнон фалсафий

маданияти – Сукрот, Афлотун ва улар издошларининг таъсирини ўзида мужассамлаштирган.

Мутафаккир ижодида «муҳаббат» тушунчаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу тушунча назм учун анъанавийдир. Илоҳий муҳаббатнинг асли – Тақтаолодир. Ана шу олий муҳаббатни куйлашга Жомий ижодида кенг ўрин берилган. Шу билан бирга унинг байтларида инсонлар орасидаги муҳаббат ҳам куйланади. Инсоний муҳаббат, унда гўзалликнинг ҳосияти каби муаммолар «Ҳафт авранг» таркибига кирувчи «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол» каби достонларда чуқур таҳлил этилади.

Адибнинг ижодида «дўстлик» тушунчаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Агар «муҳаббат» фақат Аллоҳга бирлашиш йўлигина эмас, балки ҳаётнинг амалий қоидаси бўлса, дўстлик эса одамлар орасидаги инсоний муносабатларнинг ҳаётий ҳидоятчисидир. Алломанинг фикрича, инсон бахт нима эканлигини англаши ва ўзгаларга ҳам ҳаётини оқилона ташкил эта олишга мажбур ва кодирдир.

Жомий – теурийлар даври маданий уйғониш-ренессансининг доимо барҳаёт, порлоқ сиймоларидандир. У яратган асарлар республика кутубхоналаримиз каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

2004 йилда мутафаккир таваллудига 590 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайди. Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхонлар диққатини Абдураҳмон Жомий ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция,

китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув ва хотира кечалари, адабий-бадий саҳналаштирилган мусикали кечалар, оғзаки журнал, китоб кўргазмалари, асарларнинг обзорлари ва у ҳақидаги асарларнинг турли-туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган филологлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, Жомийшунослар, санъаткорлар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда ёзувчи таваллудининг 590 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

### **Илму урфон пешвоси**

Ўжрада юпунгина кийинган бир мўйсафид ва мадраса талабалари либосидаги икки йигитча ўтирибди. Улар кимнидир зориқиб кутишмоқда. Шу пайт хонага кавуш-махси кийган, эгнида яхтак-кўйлак, бўз авра-астарли чакмон, кўлида тасбеҳ ушлаган 45-50 ёшлар чамасидаги уй эгаси кириб келди. Салом-алиқдан сўнг тўрдаги кўрпачага ўтирибди-да:

- Хўш тақсир, Сизни қандай юмуш бизнинг ҳузуримизга етаклаб келди, - сўради ҳалиги киши мўйсафиддан.

- Ҳазратим, мен бир бечора косибман, Ҳиротнинг Говушкон маҳалласида истиқомат қилурман. Девон хизматкорларидан бири ўз ҳаммомининг сувини менинг

хонам орқасидан ўтказиб кўйган. Девор зах тортиб, нураш хавфи бор, хонам кўласа, мен уни қайта кўра олмайман. Соҳибмансабга айтсангизу ҳаммом сувини бошқа ёқдан ўтказса, - дебди у ялинган бир оҳангда.

- Сизларнинг не арзингиз бор?! – Йигитларга мурожаат қилди уй эгаси.

- Биз Машҳадданмиз. Низомия мадрасасида таҳсил олурмиз. Бир неча кундирким икковимизнинг маошимиз тугади. Сиздан нажот сўраб келдик, пирим, - таъзим қилди муллабаччалардан бири.

Кўлидаги тасбеҳ доналарни бирма-бир санаб ўтирган уй эгаси бир оз ҳаёл суриб турди-да деди:

- Уста Мир Мақсуд, мен шу бугуноқ Амир Низомидин Алишер Навоийга нома битурман. Ўша соҳиб-мансаб Сизга зарар етказмайди. Сизларга бўлса, - деди у йигитларга мурожаат қилиб, - Улуғ Амир шу бугундан эътиборан вақф мулки (мачитга қарашли ер, мулк ва иморатлардан олинadиган даромад) ҳисобидан ҳар ойга, албатта маош тайинлайдилар.

Ҳазратнинг ҳар бир айтган гаплари албатта, амалга ошажагани билган меҳмонлар таъзим-тавозеларла раҳмат айтиб, ҳужрадан чиқиб кетишди.

Улуғ бобомиз Навоий ҳурмат қилган, бу баобрў, оддий халқ, илм толибларига ғамхўр шахс ким? Бу буюк зот Шарқнинг улкан шоири ва мутафаккири, бевабечораларнинг пушти-паноҳи, илм-адаб аҳлининг пешвоси, Навоийнинг дўсти, маслакдоши, устод Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад – Жомийдир. Бўлажак аллома Абдураҳмон 1414 йили Жом шаҳрининг Харжурд маҳалласида маърифат соҳиби Аҳмад Ибни Муҳаммад Даштий оиласида дунёга келади. Ёш Абдураҳмон оиласи Ҳиротга кўчиб келади ва у Низомия мадрасасида таҳсил кўради. Бу ерда у

Хожаали Самаркандий, Саид Шариф Журжоний, Мавлоно Шаһобиддин Муһаммад, Мавлоно Саъдиддин Тафтазоний сингари олим ва мударрислардан илм ўрганеди. Жомий мадрасага келганида кўп китобларни ўқиб чиққанди. Абдураҳмоннинг иқтидори шу даражага етадики, тез орада айрим устозлари ва мударрислар билан бемалол баҳс юритадиган бўлади. Шунинг учун уни Тиротдаги таълим қониқтирмай қолади ва ўқишни давом эттириш учун Самаркандга жўнайди.

Жомий Самаркандда Қозизода Румий тарбиясини олади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қозизода шогирдининг баъзи илмий мунозаралардаги эътирозларини мамнуният билан қабул қилган, унинг илмий кучига таҳсинлар ўқиган. Чунончи, атоқли олим Мавлоно Фатҳуллои Табрзий: «Улуғбек мадрасаси битгач, Қозизода унга муаррис этиб тайинланди. Мадрасанинг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида йиғилганларга қарата Самарканд пайдо бўлганидан бери, бирон бир йигит илмий қувват ва салоҳиятда Жомий сингари мартабага етиша олмади, деб хитоб қилди», - деб ёзиб қолдирган.

Жомий Хуросонда темурийлардан Шоҳрух, Абулқосим Бобур, Абу Саид ва Ҳусайн Бойқаро подшоҳлиги даврида яшади. Хуросонда Тирот тахтига Темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ўтиргандан сўнг Жомийнинг мамлакатдаги мавқеи жуда ортади, чунки Султон Ҳусайн ва унинг кўп авлодлари ўзларини унга мурид, деб аълон қилганлар.

Жомий 1472 йили ҳажга боради. Бу сафари вақтида Нишопур, Сабзавор, Бастом, Доғмон, Ҳамадон, Бағдод, Дамашқ, Табриз каби бир қанча шаҳарларда бўлади.

Жомий катта ер-мулк эгаси бўлган. Лекин шунга қарамасдан камтарона ҳаёт кечирган. Буни қуйидаги лавҳада кўриш мумкин: Ғирот шаҳри илм-адаб аҳлининг навбатдаги мушоира оқшоми Жомий Ҳовлисида ўтадиган бўлибди. Тонг саҳардан бошлаб, турли шаҳар ва қишлоқлардан шоирлар устод хонадонига кела бошлабди. Эшик олдида юпунгина кийиниб олган, жиккаккина нуроний мўйсафид елиб-югуриб хизмат қиларкан: у гоҳ одамларни таъзимтавозе билан пешвоз олиб, уйга таклиф қилар, гоҳ отда келган адибларни суяб тушириб, армуғонини оғилхонага элтиб боғлар экан. Шу пайт кўпдан бери устод суҳбатида бўлишни орзу қилиб юрган вилоят ҳокимларидан бўлмиш ёш шаҳзода, Ҳаваскор шоир ҳам кўринибди. Ҳалиги хизматкор мўйсафид тезлик билан ҳокимни отдан суяб тушириб, отини оғилхонага боғлаб қайтибди. Ҳокимни меҳмонлар Ҳузурига элтиб, тўрға ўтқазибди-да, ўзи яна пойгакка бориб чўкка тушибди.

- Жаноблар, ҳамма келиб бўлди, шекилли, ул улуг зот қани? – сўрабди шаҳзода.

Меҳмонлардан бири пойгакда ўтирган бояги хизматкорга ишора қилибди. Ҳалиги хизматкор Абдураҳмон Жомий эканини энди билган ҳоким хижолат тортганидан ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига отиладиган бўлибди. Жомий уни ўз ўрнига ўтқазиб, шеърият баҳсини бошлаб юборибди.

Абдураҳмон Жомий шогирдлари, хукмронлардан келадиган инъом-эҳсонларни бева-бечоралар, етим есирларга улашиб берган.

Умрининг охиригача Ғиротда яшаб, 1492 йили вафот этади.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий умрининг охиригача устоз-шогирд бўлган. Навоий

Ўзининг барча асарларини Жомий маслаҳати билан ёзган, уларнинг биринчи ўқувчиси ҳам Жомий бўлган. Ўз навбатида улкан мутафаккир айрим китобларини Навоий маслаҳати билан ёзган. Жумладан, кўлёзма дафтарларда тарқоқ юрган шеърларини девон ҳолига келтиришни Жомийга Навоий маслаҳат берган.

Алишер Навоийнинг «Хамса» ёзиш ниятини биринчи бўлиб Жомий кўллаб-қувватлаган, унга юксак баҳо берган. Шунинг учун ҳам «Хамса» нинг ҳар бир дostonи муқаддимасида Навоий бошқа хамсанавислар қаторида Жомийга ҳам алоҳида боб ажратиб, уни даҳо шоир, маснавий устаси, меҳрибон устод сифатида таърифлайди. Бир даврда, бир хил сиёсий-ижтимоий ва маданий адабий муҳитда яшаб ижод этган, устозлик ва шогирдлик, муршидлик ва муридлик одобини Шамс Табризий ва Мавлоно Румийдан кейин энг юксак даражада адо этган бу икки сиймони бир-биридан айри тасаввур қилиш, Жомийни ўрганмасдан Навоийни, Навоийни ўрганмасдан Жомийни англаш мумкин эмаслигини мантиқ ва тафаккур кучи билан идрок этган ўзбек навоийшунос олимларини айна пайтда, жомийшунос деб аташ ҳам мумкин.

Аслида, биринчи Жомийшунос олимнинг ўзи ҳам ҳазрат Алишер Навоий ҳисобланади. Жомийдек буюк қомусий олим асарларини таҳлил ва тадқиқ этиш, уларга ҳаққоний, ҳолисона баҳо бериш, керак бўлганда Жомийнинг шоирлик ва олимлик шаънини ҳимоя қилиш фақатгина Навоийдек забардаст шоир, мутафаккир ва улуг адабиётшунос олим кўлидан келиши мумкин эди. Навоийнинг Жомийга бағишлаб ёзган «Хамсат ул-мутахаййирин» асари, шунингдек «Маҳбуб ул-қулуб»нинг «Назм гулистонининг хушнама кушлари зикрида» деб номланган 16-фаслида

Ажам шоирларини асосан тўрт гуруҳга бўлиб, Жомийни ҳар уччала гуруҳга мансублигини таъкидлаб ўтиши, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, уни илк жомийшунос олим сифатида намоён этади. Худди шу ўринда Ҳазрат Жомийни ҳам биринчи навоийшунос олим, деб аташ мумкин. Зеро, Жомий ўзининг «Баҳористон» ва бошқа асарларида Навоий ижодига юксак баҳо бериб, унинг «ўзбек тили, ўзбек адабиёти учун курашини, унинг ўз ҳалқи маданиятини юксалтириш йўлидаги барча интилишларини қувватлаган». Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги – жон дўстлик. Халқ ва Ватан манфаатлари йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беришга қодир дўстлик. Эл-улус истиқболи йўлида хизмат қилган бу дўстлик моҳияти халқимизнинг «Элни суйган – эрга дўст» мақоли мазмуни билан уйғун.

### **Абдураҳмон Жомий мероси**

Жомийдан улкан ва ранг-баранг адабий ҳамда илмий мерос қолган. Баъзи олимлар Жомий асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қиладилар. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да унинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади. Жомий асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оид. Жомий ўз асарларини форс-тожик тилида ёзган, араб тилини ҳам яхши билган. Унинг ижодий фаолияти кўп қиррали бўлса ҳам у Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ гениал шоир ва мутафаккир-олим сифатида танилган. Бу жиҳатдан унинг эпик ва лирик мероси ёғат диққатга сазовордир. Сўнгги аср адабиётшунослари ҳақли равишда уни форс-тожик адабиётининг илк тараққиёт

давридаги (X-XV асрлар) буюк мутафаккир–иждоқдор деб атайдилар.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир ислом дини ва шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин этади, тасаввуфнинг XV-асрдаги йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Унинг «Лужжатул-асрор» («Сирлар денгизи», 1475), «Ашиат ул-ламоат» («Йилтиллаган нур», 1476) диний-фалсафий қасидаси Ибн Синога бағишланган. Достонларида халқ оммасининг энг яхши орзу-умидларини қуйлаган 7 достондан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт» ёки «Қатта айиқ», 1480-1487) даги «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир», 1472), «Туҳфат ул-аҳрор» («Нуронийлар туҳфаси», 1481-82), «Сибҳат ул-аброр» («Тақводорлар тасбеҳи», 1482-83) достонларида юксак хулқ-атвор мезонларини тарғиб қилган, кишиларни маърифатга, юртпарварликка, тўғрилиқ, инсоф ва иймонга чақирган. «Юсуф ва Зулайҳо» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Соломон ва Абсол» (1469-80) достонлари ишқий мавзуда. «Хирадномаи Искандарий» достони (485) Низомийнинг «Искандарнома»сига тақлидан ёзилган. XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Муҳаммад Ризо Огаҳий Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»сини ўзбек тилига таржима қилган.

Адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида ҳам Жомий хизмати улқандир. У ўзининг «Баҳористон» тазкирасида форс-тожик адабиётининг бир қанча намояндалари ва Навоий ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг «Рисолаи аруз» асари аруз ҳақидаги энг муқаммал қўлланмалардан биридир. Жомий «Нафоҳот ул-унс» асарини ёзиш билан тасаввуф тарихини

ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 та мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 нафари аёллардир. Ушбу асарни Навоий маълум бир тўлдиришлар билан ўзбек тилига таржима қилган. Жомий фақат машҳур сўфийлар ҳақида маълумот бериш билан чекланмай, катор шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталади.

Жомий мусиқа соҳасида ҳам катта обрўга эга бўлиб, «Нақши Мулла» («Нақши Имома») асари муаллифидир. Шарқ мусиқа илми тарихида Жомийнинг «Рисолаи мусиқа»си ҳам алоҳида ўрин тутди. Рисола кириш, икки йирик қисм – «илми таълиф» ва «илми ийқоъ» ҳамда хотимадан ташкил топган бўлиб, улар ичига 23 фаслни қамраб олган. Жомий ўзининг мусиқий назарий ва мусиқий эстетик қарашларида Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Сафиуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғийларнинг мумтоз анъаналарини давом эттирган. Асосий диққатини ўша давр амалиёти билан боғлиқ бўлган парда (лад) тизимлари (жинс, жам, «Ўн икки мақом», шўъба ва б.) ҳамда усул (ритм) масалаларига қаратган. Жомийнинг мусиқавий тафаккури адабий-бадиий ижодида ўз ифодасини топган.

Асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб бир неча марта нашр этилган «Қофия шарҳи рисоласи», «Шарҳи Мулло» (ёки «Мулло Жомий») Марказий Осиё ва Идил (Волга) бўйи татарлари мадрасаларида араб тили, грамматикасидан дарслик сифатида ўқитилган.

### **Нақшбандия пири**

XV асрга келиб мусулмон Шарқи тафаккури тарихида катта ўзгариш ва кескин бурилишлар юз бера бошлайди. Биринчидан, нақшбандия тариқати

Мовароуннаҳрдан Хитою Ҳиндистонгача, Хуросону Усмонли турклар салтанатигача бўлган худудларда тарқалиб ва ривожланиб боради. Иккинчидан, бу тариқат хонақоҳлардан чиқиб, жамиятнинг туб илдизлари ва турли табақаларига таъсир кўрсата бошлайди. Учинчидан, бу сулук, бошқа тасаввуфий силсилалардан фарқли ўлароқ, таркидунёчилик, фақирлик ва гўшанишинликни(одамга кўшилмаслик, аралашмаслик; танҳоликда кечирилган ҳаёт) тарк этиб, моддий оламга юма-юз бўлади ва аста-секин иқтисодий кудрат касб этиб, сиёсий-мазҳабий тариқат тусига киради.

Албатта, нақшбандиянинг ҳукмрон доираларга кириб бориши, бошқача айтганда, сиёсийлашуви, маълум даражада ўша давр ижтимоий-сиёсий шароити нуктаи назаридан жамиятга ижобий таъсир етказиб туриши табиий ҳол эди. Жумладан, Темурий шаҳзодаларни тотувликка чақириш, уларни адолат ва маърифатга йўналтириш, жамиятнинг турли табақалари ва гуруҳлари ўртасида нуфузи ва таъсир кучидан фойдаланиб, уларни бирдамликка даъват этиш каби ижобий жиҳатлар XV-XVI асрлар тасаввуфининг асосий хусусиятларидан эди. Бу даврда ҳаёт айна жараёни мўътадил ҳолда тутувчи тасаввуфнинг жамиятдаги маънавий-маърифий, фалсафий-ирфоний миссиясини эслатиб турувчи мутафаккир бир зотга эҳтиёж сезар эди. Тасаввуф тарихи бу вазифани XV асрнинг буюк тафаккур эгаси, хотамуш-шуаро, яъни шоирлар муҳри унвони билан машҳур бўлган Мавлоно Абдураҳмон Жомий зиммасига юклайди. Жомийнинг нақшбандия тариқатига кириши Мовароуннаҳрру Хуросоннинг сиёсий доиралар ва илм-маърифат аҳли томонидан муҳим тарихий воқеа сифатида қабул қилинади.

Жумладан, нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг пири бўлмиш Саъдиддин Кошғарий буни «Ҳақ субҳона таоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнинг суҳбатига етиш шарафини иноят айлади», деб эътироф этган бўлса, Хожа Аҳрорнинг пешкадам муридларидан бири – Шамсиддин Муҳаммад Зоҳид «Бу улуғ зотни бизга етказган табаррук лаҳзаларга шукроналар бўлсин», дейди.

Бу таҳсину мактовлар бежиз эмас эди. Жомий бу пайтга келиб етук шоир ва олим сифатида танилиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Жомийнинг нақшбандияга боғланиши ва бу таълимот доирасида фаолият юрита бошлаши «Ҳирот ва Самарканд илмий доираларининг баъзи бир намояндаларини ҳайратга солди» (Нажиб Моил Ҳиравий. Шайх Абдураҳмон Жомий. Теҳрон, ҳижрий 1373, 38 бет). Чунки диний илмлар билан тасаввуф ўртасида ўзига хос зиддият бор эди.

Жумладан, XV асрнинг шоир ва мутакаллимларидан бири Шаҳобиддин Муҳаммад Жожурмий бу ҳодисага очикдан-очик эътироз билдиради: «Охирги 500 йил давомида Хуросон мутафаккирлари орасидан ҳақиқий камолот соҳиби бўлган бир кишигина бор эди, уни ҳам Мавлоно Саъдиддин Кошғарий жаноблари йўлдан урдилар» (Фахриддин Али Сафий Кошифий. «Рашаҳот айнул-ҳаёт». Теҳрон, ҳижрий, 1356, 1-жилд, 239 бет).

Ҳирот мударрисларидан бири Абдураҳим Кошғарий ҳам киноя оҳангида бундай дейди: «Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳазратлари мутолаадан воз кечиб, сўфийлар тариқатига юз тутганларига қадар биз китоб ўқиш ва расмий илмлар таҳсилидан ҳам муҳимроқ иш борлигидан ва олимликдан ҳам юксакроқ яна бир

мартаба мавжудлигидан беҳабар эдик» (Ўша манба, ўша бет).

Аммо олимларнинг бу хавотирлари ўринсиз эди. Жомий нақшбандияга кириб, илмий-адабий муҳитдан узилмади. Мадрасалар, илму адаб аҳли билан боғланиб турди. Ҳатто, айтиш мумкинки, шоҳ асарларини ҳам 1453 йилдан, яъни тариқатга киргандан кейин ёзди.

Жомийнинг чилла ўтиргани ё ўтирмагани хусусида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Аммо мурид ва шогирдларидан Абдулғафур Лорий ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёзишларича, Жомий тариқатга кирганидан сўнг олти ой қаттиқ риёзат чеккан экан.

Жомий уч халқа орқали Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бориб етади. Ба ҳақда «Музаккири аҳбоб» муаллифи шундай дейди: «Ҳазрат Мулло Жомийнинг пири бўлмиш Мавлоно Саъдиддин Қошғарий Ҳазрат Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муридидирлар ва алар Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор муриди, алар эса Ҳазрат Хожаи бузруквор Баҳоуддин Нақшбанднинг – сирлари муқаддас бўлсин-барҳақ халифаси ва мутлақ қойим мақомидирлар».

Агар Шайх Саъдиддин Қошғарийнинг 1456 йили вафот этганини ҳисобга олсак, Жомий жуда қисқа вақт ичида, тахминан 2-3 йилга бормай хирқа кийган ва шайхлик мартабасига эришган бўлиб чиқади. Бу тасаввуф тарихида нодир ҳодисалардан ҳисобланади. Аммо Жомий хонақоҳда ўтирмади, атрофида кўп муриду мухлислар йиғиб, каромат ва иршод йўлини тутмади. Кароматларини илму ижодда кўрсатди, иршод деганда эса ўз асарлари билан нақшбандийларга ҳидоят йўлини кўрсата бошлади.

Жомий Шайх Саъдиддин Кошғарий вафотидан сўнг нақшбандиянинг ўша даврдаги энг буюк пири муршиди Хожа Аҳроп Валийга иродат кўлини берди. 42-43 ёшида нақшбандия тариқатининг муршиди даражасига етган Жомийга қайта мурид тушишнинг нима ҳожати бор эди, деган ҳаққоний савол туғилади.

Бу биринчидан, Жомийнинг фавқулодда камтарлиги, иккинчидан, унинг эҳтиёткорлигидан эди.

Чунки, бир томондан, мовароуннаҳрлик нақшбандийлар хуросонлик нақшбандийларга устозлик ва раҳнамолик вазифасини ўтасалар, иккинчи томондан, Хожа Аҳроп раҳнамолигидаги тариқат аҳли Самарқандда нақшбандиянинг қудратли марказини вужудга келтирган эди. Жомийнинг хокисорона табиати бу даъватни эҳтиром ва эътироф билан қабул этди ва Хожа Аҳроп Валийга мурид тушиш билан мовароуннаҳрлик нақшбандийларнинг хуросонлик нақшбандийларига нисбатан устозлик даражасини сақлаш аъъанасини садоқат ва ҳиммат билан давом эттирди.

Жомий, бир томондан, Хожа Аҳроп Валийдан сайру сулук масалаларига оид янги кўрсатмалар олиб турар ва уларни Хуросон муҳитида татбиқ этишга ҳаракат қиларди. Иккинчи томондан, Тусайн Бойқаро саройи билан яхши алоқалар ўрнатиб, Тиротнинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашарди. Айниқса, Амир Алишер Навоийнинг 1476 йили Жомийга иродат кўлини бериши ва нақшбандийликни қабул қилиши бу алоқаларни янада кучайтирди.

Навоий пиридан тасаввуф ва ирфонга оид илмий-назарий асарлар ва шарҳномалар ёзишни сўрайди, бу жараённи қатъий равишда назорат остига олади.

Навоийдек сиёсат, илм-фан ва адабиёт ҳомийсининг бевосита кизиқиши ва унинг сиймосида бутун нақшбандия тариқатининг маънавий эҳтиёжи Жомийга тариқатни назарий жиҳатдан мустаҳкамлашда куч-қувват ва илҳом бағишлади. Натижада Жомийнинг асосий эътибори тариқатнинг ижтимоий-мазҳабий жиҳатлари, сайру сулук ва муридлар тарбияси масаласига эмас, балки ирфон фалсафасининг ваҳдат ул-вужудий масалаларини амалий-мазҳабий тариқатга айланган нақшбандия таълимотига сингдириш, Ибн ал-Арабий мактаби ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларининг уйғунлигидан янги ирфоний қарашлар силсиласини ишлаб чиқишга қаратилади.

У нақшбандия тариқатида шайхлик унвонини олгандан уч йил ўтар-ўтмас, 1459 йили «Нақд ун-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус» деган машҳур фалсафий-ирфоний шарҳий асари ва 1465 йили «Лавойиҳ», 1470 йили «Лавомиъ» асарларини ёзган эди. Унинг бу саҳнадаги асосий иш фаолияти Навоийнинг бевосита ташвиқоти остида олиб борилди. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» каби тасаввуф тарихига оид шоҳ асари, «Ашиъат ул-ламаъот» каби муҳим фалсафий-ирфоний шарҳ асари бевосита Навоийнинг ҳоҳиши билан ёзилган. Шунингдек, «Шарҳи рубоиёт», «Шарҳи байтаи Маснавий», «Шарҳи байти Амир Хусрав» каби шарҳномаларини ёзилишида ҳам Навоийнинг ташвиқоти сезилиб туради.

Жомий бу даврда тасаввуфнинг турли илмий-назарий масалаларига бағишлаб 18 та ирфоний асар ёзди. Бундан 10 тасини фалсафий-ирфоний шарҳномалар туркуми ташкил этади. Булар мавзу ва мундарижа, мазмун ва шакл нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Жомийнинг бу туркум асарлари

уни фақатгина шарҳнавис олим сифатида эмас, балки тасаввуф ва ирфоннинг назариётчиси, Абдулвосиъ Бохарзий таъбири билан айтганда, «XV асрнинг қайта қурувчиси ва ислоҳотчиси» сифатида ҳам танитади (Абдулвосиъ Бохарзий. «Мақомати Жомий». Теҳрон, ҳижрий 1371, 38 бет).

Асарлари орасида «Шарҳи рубоиёт» (ё «Шарҳи рубоиёт дар исботи ваҳдати вужуд») номи билан машҳур бўлган фалсафий-ирфоний шарҳ асари алоҳида ажралиб туради. Жомий унда бошқа шоир рубоийларига битилган шарҳларни эмас, балки ўз рубоийларига ёзган ўта мураккаб, илмий-назарий услубдаги фалсафий-ирфоний шарҳларни берган.

Хуллас, Мавлоно Жомий тасаввуфий-ирфоний асарлари билан сиёсий-ижтимоӣ, амалий-мазҳабий тус олган тарикатга фалсафий-ирфоний руҳ ва илмий-назарий қувват бағишлади.

Бу нақшбандий пирнинг тасаввуф ва ирфон фалсафаси тарихидаги энг буюк хизмати ҳам шундан иборат.

### **Жомий ҳикматларидан**

Китобдан яхши дўст йўк жаҳонда,  
Ғамхўринг бўлган у ғамли замонда.  
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,  
Жонингга юз роҳат беради такрор.

\* \* \*

Илминг бўлса қочма амалдан,  
Илминг қиммати амали билан.

\* \* \*

Илм – барча ҳунарнинг тожи – бебаҳо,  
Илм – ҳамма қулфнинг калити – аъло.

\* \* \*

Сенга улуғлик лозим бор жойда,  
Отанг обрўйи бермайди фойда.

\* \* \*

Илм олишга белингни чоғла,  
Бошқа ҳар ишдан кўлингни боғла.  
Устод, муаллимсиз қолса бир замон,  
Нодонликдан қора бўларди жаҳон

\* \* \*

Энг яхши одам шу – кимдан халқига,  
Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.

\* \* \*

Дўстга агар кўшилса дўст-ёр,  
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор.  
Ҳар ким билан ошнолик истама,  
Ҳар ошнодан рўшнолик истама.

\* \* \*

Ўткунчи нарсадан қўнгил уза ол,  
Абадлик тадбири билан бирга қол.  
Нимани билолсанг билишга интил,  
Сўнгра билганларинг бир-бир ишга сол.

**Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»  
достони ҳақида**

Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони унинг «Нафт авранг» («Етти тахт») деб аталган ва етти китобдан ташкил топган асарининг учинчи китобидир. У «Юсуф ва Зулайҳо» достонини 1483 йили ёзиб тугаллаган. Достон чин инсоний туйғулар – севги, гўзаллик, покликнинг ёвузлик, макр ва тубанлик устидан мутлақ устун чиқажагини кўрсатувчи асардир. Достоннинг қисқача мазмуни бундай:

Ёқубнинг энг кичик ўғли Юсуф гўзалликда танҳо эди. Отаси ўз чаманининг бу бекиёс гулини қаттиқ севар, уни юрагининг юпанчи, дардларининг малҳами деб биларди. Юсуф икки яшарлигида онаси дунёдан ўтди. Ёқубнинг бошқа хотинидан ҳам болалари бўлиб, улар отанинг Юсуфга муҳаббати учун рашк қилар ва Юсуфни йўқ қилмоққа аҳд тузган эдилар.

Мағриб шоҳи Таймуснинг гўзал қизи Зулайҳо бир куни туш кўрди. Тушида унга ҳусну жамолда ва фазлу камолда ягона бир йигит учради. Зулайҳо унга кўнгил бериб ошиқу шайдо бўлиб қолди. Учинчи бор тушида кўрганда йигит Зулайҳога ўзининг Миср Азизи эканини айтди. Шундан сўнг Зулайҳо Миср Азизининг никоҳига хурсандлик билан ўтди. Аммо Мисрга келгач, эри тушида кўрган йигит эмаслигини билди ва қайғуга чўмди.

Юсуфнинг акалари лола термоқ баҳонасида уни чўлга олиб чиқдилар ва уни бир қудуққа ташладилар. Улар Юсуфнинг кийимини ечиб олган эдилар. Бу кийимни қонга белаб Ёқубга келтирдилар ва Юсуфни бўри еб кетди, мана унинг кийими, деб кўрсатдилар. Ёқуб Юсуф фироқида йиғлай-йиғлай кўр бўлди.

Чўлдан ўтаётган қарвон қудуқдан Юсуфни топиб олади. Қарвонбоши Молик Мисрга келгач, Юсуфни қул бозорида сотмоқчи бўлади. Юсуфни кўрган Зулайҳо

тушида кўнгил берган йигитни шу эканини таниб уни сотиб олади. Зулайҳо Юсуфни ўз уйига келтириб, уни ўзининг хизматчиси қилиб сақлайди. Зулайҳонинг Юсуфга муҳаббати тобора авж олади. Аммо Юсуф Зулайҳога бефарқ эди. Зулайҳо Юсуфга ўз муҳаббатини изҳор этади, уни ўзи билан яқин бўлмоққа қистайди. Лекин Юсуф бунга кўнмайди. Шунда Зулайҳо ғазабга келиб Юсуфни зиндонга солдиради. Аммо бундан ўзи кўпроқ изтироб чекади, чунки энди Юсуфни кўрмоқдан маҳрум бўлган эди.

Юсуф зиндонда ўз шерикларидан бирининг тушини таъбир қилади. Бу таъбир тўғри чиқиб, шериги зиндондан қутулади. Шундан сўнг Юсуф Миср шоҳининг тушини ҳам таъбирлайди. Миср шоҳи Юсуфнинг ақл заковатига тан беради ва уни зиндондан озод қилади ҳамда Мисрга азиз этиб тайинлайди. Юсуф тадбиркорлик билан иш тутиб, Миср мамлакатини очлик ва қаҳатчиликдан асраб қолади. Элу юрт ўртасида катта обрў қозонади. Бу вақтда Зулайҳонинг эри оламдан ўтади.

Зулайҳо эса Юсуф ишқида куя-куя кул бўлади. Унинг юзларига ажин тушиб, сочлари оқариб кетади. У Юсуф ўтадиган йўл бўйида телбалардек чодир қуриб яшар, Юсуф бу йўлдан ўтганида унинг отининг изларини кўзига суртарди.

Бир куни Зулайҳо Юсуфнинг қаршисига чиқиб, зору тавалло билан отининг юганидан тутиб, ғарибликдан ишква қилади. Юсуф мулозимларидан бирига уни ҳузурига олиб боришни буюради ва арзини тинглайди. Шунда Зулайҳонинг ҳолини кўриб Юсуф жуда ачинади ва қандай тилагинг бор деб ундан сўрайди. Ёшлик малоҳатим яна ўзига қайтса, деб истак билдиради Зулайҳо. Зулайҳонинг тилаги амалга ошиб у

Ғоят гўзал бир кизга айланади. Юсуфнинг юрагига муҳаббат олови тушди. Юсуф ва Зулайҳо бир-бирларига етишиб бахтиёрликда яшайдилар.

Юсуф ва Зулайҳо чеккан машаққатлари эвазига бахтли турмуш кечириб, охири бирин-кетин дунёдан ўтадилар.

Бу дoston аёл муҳаббатининг қасидасидир. Дostonнинг бош қаҳрамони Зулайҳо Юсуфни чин юрагидан севади, бутун ҳаёти, борлигини унга бағишлайди. Юсуф гўзаллик, покизалик, ҳалоллик тимсоли. Зулайҳони мафтун этган нарса Юсуфнинг комил гўзаллиги. Ҳаёт севги ва гўзалликни оғир имтиҳонлардан ўтказди. Дostonнинг бахтли якуни ана шу чин, самимий севгининг тантанасидир.

### **Абдураҳмон Жомий ижодий фаолиятини биласизми?**

1. Абдураҳмон Жомий қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад-Жомий 1414 йили Жом шаҳрининг Харжу маҳалласида таваллуд топган).

2. «Самарқанд пайдо бўлгандан бери бирон бир йигит илмий қувват ва салоҳиятда Жомий сингари мартабага етиша олмади» деган хитоб кимга тегишли?

(Жомийнинг устози Қозизода Румий Улуғбек мадрасасини очилишига бағишланган тантанада бу сўзларни айтган).

3. Жомий асарлари қайси фан соҳаларига оид?

(Фалсафа, тилшунослик, адабиётшунослик, тасаввуф, санъат, назм ва насрнинг турли жанрларига оид).

4. Жомийнинг «Хафт авранг» асари неча дostonдан иборат ва улар қайсилар?

(«Хафт авранг» асари 7 дostonдан иборат бўлиб, улар «Силсилат уз-заҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Сибҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», «Хирадномаи Искандарий» дostonларидир).

5. Адибнинг мусиқага оид қандай асарларини биласиз?

(Унинг «Нақши Мулла» ва «Рисолаи мусиқа» асарлари бизга етиб келган).

6. Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний асарлари неча ва улар қайсилар?

(Ёзувчининг «Нақд ан-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус», «Шарҳи рубоиёт», «Ашият ул-ламаот», «Шарҳи байти Амир Хусрав», «Шарҳи байтаини Маснавий», «Шарҳи қасидайи Тойийя», «Шарҳи мифтоҳ ул-ғайб», «Шарҳи фусус ул-ҳакам» каби фалсафий-ирфоний шарҳлари, «Лавоҳ», «Дуррат ул-фоҳира», «Рисолат фил-вужуд» каби мустақил илмий-назарий асарларини ёзган ва улар 18 тани ташкил қилади).

7. «Баҳористон» тазкирасида қандай маълумотларни ёритади?

(Ёзувчининг «Баҳористон» тазкирасида фортожик адабиётининг бир қанча намояндалари ижодий фаолияти ва Алишер Навоий ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, у саккиз равзадан ташкил топган).

8. Ёзувчининг қайси асарлари қомусий олим Абу Али ибн Синога бағишланган?

(Унинг «Лужжатул-асрор», «Ашиат ул-ламоат» диний-фалсафий асари Ибн Синога бағишланган).

9. «Юсуф ва Зулайҳо» достонини биринчи бўлиб ким ўзбек тилига таржима қилган?

(XVIII аср охири XIX асрнинг бошларида Муҳаммад Ризо Огаҳий Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» сини ўзбек тилига таржима қилган).

10. Алишер Навоийнинг қайси асарида Абдураҳмон Жомий асарлари ҳақида маълумотлар берилган?

(Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Жомий қаламига мансуб 38 та асарлари номма-ном санаб ўтилган).

11. Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт» («Шарҳи рубоиётда дар исботи ваҳдати вужуд») номли ирфоний асарида қандай масалалар ёритилган?

(Бу фалсафий-ирфоний шарҳ асарида ёзувчи бошқа шоир рубоийларига шарҳларни бермасдан, балки ўз рубоийларига ёзган ўта мураккаб, илмий-назарий услубдаги фалсафий-ирфоний шарҳларни баён этган).

12. «Нак субҳона таоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнинг суҳбатига етиш шарафини иноят айлади», - деган сўзлар кимга тегишли?

(Бу сўзлар Накшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг пири Саъдиддин Кошғарийга тегишли).

13. Абдураҳмон Жомийнинг мударриси ким эди?

(Улуғбек мадрасасида таҳсил олаётган чоғларида Қозизода Румий унга мударрис (устоз) этиб тайинланган).

14. Абдураҳмон Жомий нечанчи йили вафот этган?

(Жомий умрининг охиригача Тиротда яшаб, 1492 йили вафот этган).

15. Ёзувчининг тасаввуфий-ирфоний асарлари қайси тилларда ёзилган?

(Унинг тасаввуфий-ирфоний асарлари ўта мураккаб фалсафий услубда, қисман араб тилида, қисман форс тилида, қисман ярим араб, ярим форс, тожик тилларида, қисман насрда, қисман назм келтирилган насрда ёзилган).

### **«Ибн ал-Арабий ва Абдураҳмон Жомий» мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш сценарийси**

Мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун бир ой олдин тайёргарлик ишлари бошланади. Бунинг учун аввал кутубхонада эълон ёзилади, иштирок этувчиларга таклифномалар юборилади. Конференция учун жой, яъни кироатхона танланади ва мавзу бўйича адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Кўргазмага қўйилган адабиётлар юзасидан обзор ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Китобхонлардан конференция вақтида мавзу бўйича фикр-мулоҳаза билдиришлари сўралади.

Конференцияга адабиётшунослар, файласуфлар, олимлар, жомийшунос олимлар, педагоглар, аспирант ва тадқиқотчиларни таклиф қилиш мумкин.

Конференцияни олиб боровчи қуйидаги сўзлар билан очиши мумкин:

Ассалому алайкум, конференция иштирокчилари, азиз меҳмонлар! Мовароуннаҳр ва Хуросон заминида яшаб, форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётига улкан ҳисса қўшган буюк олим, шоир Нуриддин Абулбаракот ибн Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Жомийнинг Шарқ адабиётидаги ўрни, оламшумул шуҳрати, шеърляти, услуби, илмий

асарлари барчамизга жуда яхши маълум. Бугун биз Мавлоно Жомийнинг фалсафий-ирфоний асарлари ва унинг Ибн ал-арабий таълимотига ким орқали ва қандай қилиб йўл топгани ҳақида сўзлашишни жоиз деб топдик ва биринчи сўзни фалсафа фанлари номзоди га берамиз.

Олим: Ассалому алайкум, хурматли конференция қатнашчилари. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний қарашларини шакллантирган манбаларни ўрганиш, унга Ибн ал-Арабийнинг таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Жомийнинг дунёқарашида ориф, файласуф, мутакаллим, нақшбандий суфий ва ҳанафий фақиҳ қарашлари бири-бирига сингиб кетиб, уйғун бир ҳолат касб этган. Бу XV асрнинг нақшбандиёна муҳитида жуда кам учрайдиган ҳолат. Худди шундай ҳолатни ваҳдат ал-вужуд назариясининг асосчиси, «Шайхи кабир» номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165-1240) таълимотида ҳам кўриш мумкин. Агар Жомийга беш ёшлигидаёқ отаси туфайли Ибн ал-Арабий асарларининг энг яхши шарҳловчиларидан бири бўлган Хожа Муҳаммад Порсо дийдорини кўриш насиб этиб, унинг назарига тушганини ва кейинчалик ўзи эътироф этганидек, бу мулоқотдан бир умрга татийдиган ажойиб таассурот қолганини назарда тутсак, Жомийни илк бор Ибн ал-Арабий таълимоти билан таништирган Хожа Порсо ва унинг «Фасл ул-хитоб», «Шарҳи фусус» каби асарлари бўлиб чиқади.

Олиб борувчи: Раҳмат домла. Балки ўтирганларнинг кўпчилиги бундан хабардор, балки билмас, Абдураҳмон Жомий асарларининг кўпчилигини фалсафий-ирфоний мазмундаги асарларни ташкил этади. Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари асарларига

шарҳлар, Ибн ал-Арабий таълимоти доирасида мустақил илмий-назарий асарлари ҳақида кейинги меҳмонимизни, жомийшунос олим \_\_\_\_\_ни таклиф этамиз.

Жомийшунос олим: Мавлоно Абдураҳмон Жомий нақшбандия тариқати мавқеида бўла туриб ваҳдат ал-вужуд таълимотини нақшбандийликка олиб киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунга эришиш учун, асосан, қўйидаги икки йўлни танлади:

- Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари асарларига шарҳлар ёзиш;

- Ибн ал-Арабий таълимоти доирасида мустақил илмий-назарий асарлар яратиш.

Давр тақозосига кўра, ўта эҳтиёткорликни талаб қиладиган бу ишга Жомий олимона назокат ва фаросат билан киришиб, 1459-1492 йиллар давомида «Нақд ан-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус», «Шарҳи рубоиёт», «Шарҳи мифтоҳ ул-ғайб», «Рисолаи суханони Хожа Порсо», «Шарҳи фусус ул-ҳикам», «Ашиъат ул-ламаъот» ва бошқа кўплаб мустақил илмий-назарий асарлар ёзган. Жомий «Нақд ан-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус»ни ёзиб тугатиш вақтидан (1459) тахминан 10 йил олдинроқ Ибн ал-Арабий таълимотини ўрганишга киришган, деб тахмин қилинса, унда у 43 йиллик умрини асосан, Ибн ал-Арабий қарашларини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишга бағишлаган, деган хулосага келиш мумкин. Унинг 10 та фалсафий-ирфоний асаридан 2 таси бевосита Ибн ал-Арабий китобларига, қолган 8 таси эса унинг таълимоти асосида битилган шарҳлар ҳисобланади.

Олиб боровчи: Сермазмун ва мароқли суҳбатингиз учун раҳмат, домла: Сизлар билан

биргаликда маърузаларни тингладик. Кани марҳамат, кимда қандай саволлар бор.

Савол: Талаба \_\_\_\_\_ . Биз Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний асарларини бир қанчасини билиб олдик. Менда шундай савол туғилди. Жомийнинг Ибн ал-Арабий таълимоти доирасида ёзган асарларини бир хил савияда ва ҳаммаси ҳам катта илмий аҳамиятга эга дейиш мумкинми?

Жомийшунос олим: Албатта, Мавлоно Жомийнинг бу таълимот доирасида ёзган барча асарларини мукамал ёзган деб айта олмаймиз. Зеро, Ибн ал-Арабий таълимотининг асл моҳиятига кириб бориш жараёни Жомий тафаккурида босқичма-босқич юз берган. Моил Ҳиравий бу жараёнга тўғри баҳо бериб, «Жомий ўзининг бу соҳадаги биринчи иши – «Нақд ан-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус»да унча муваффақият қозонмади, лекин «Лавоёҳ»да ваҳдат ал-вужуд назариясини мўжаз, аммо муфассал тарзда баён эта олганлиги унинг бу «соҳадаги тадрижий такомилени кўрсатади», дейди.

Олиб борувчи: Мана бугун биз Шарқ халқлари маданияти тарихида буюк шоир ва мутафаккир-олим сифатида танилган Абдураҳмон Жомийнинг ҳаммамизга таниш бўлган «Баҳористон» тазкираси ёки «Юсуф ва Зулайҳо» достони юзасидан эмас, балки унинг тасаввуфий-ирфоний асарлари ва Ибн ал-Арабий таълимотини янгича усуллар ва талқинлар воситасида нақшбандийлик таълимотига олиб киргани ва бу икки таълимот қоришмасидан янги ирфоний-фалсафий қарашлар тизимини вужудга келтиргани ҳақида фикр-мулоҳазалар билан танишишни олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик ва бу ниятимиз амалга ошди деб ўйлаймиз.

Ҳурматли конференция меҳмонлари ва китобхонлар. Энди сизларни Абдураҳмон Жомий ижодига бағишланган адабиётлар кўргазмасини ташкил қилганмиз ва улардан фойдаланишларингиз учун таклиф қиламиз.

**«Ақл ва тафаккур кучи» мавзусида китоб  
кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси**

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

**1. «Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий-файласуф олим ва буюк сўз санъаткори».**

Бу бўлимга Абдураҳмон Жомийнинг форс-тожик тилида ёзган фалсафа, тилшунослик, адабиётшуносликка, назм ва насрнинг турли жанрларига оид асарлари ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

**2. «Абдураҳмон Жомий таълим-тарбия ҳақида».**

Бу бўлимга Мавлоно Жомийнинг таълим-тарбияга оид асарлари, фикр-мулоҳазалари ва шу асарлар ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

**3. «Илоҳий дўстлик».**

Дўстга агар қўшилса дўст-ёр,  
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор.  
Ҳар ким билан ошнолик истама,  
Ҳар ошнодан рўшнолик истама.

А.Жомий

Бу бўлимда Шарқнинг икки буюк мутафаккир олими Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг дўстлиги, устоз-шогирд муносабатлари ҳақидаги адабиётлар ўз аксини топади.

Куйида яна кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз.

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то кишлоқ кутубхоналаригача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклларини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириш мумкин.

### **Конференция**

1. «Тавҳид-камолот манзили: Жомий ва Навоий тавҳид, яъни оллоҳнинг ягоналиги хусусида».

2. «Инсон борлигининг олий мазмуни».

3. «Мен жонимни бераман» номли Жомий шоҳбайтларига бағишланган китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

### **Мунозара кечаси**

1. «Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг илк учрашувлари».

2. «Жомий ва тасаввуф».

3. «Абдураҳмон Жомий ва мусиқа».

### **Давра суҳбати**

1. «Давлатшоҳ Нуриддин Абдураҳмон Жомий».

2. «Абдураҳмон Жомий таълим тарбия ҳақида».

3. «Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий – устоз-шогирд».

### **Билимдонлар беллашуви**

1. «Абдураҳмон Жомийнинг мусиқага оид асарларини биласизми?»

2. «Жомийнинг «Хафт авранг» («Етти тахт» ёки «Катта айиқ») асарини биласизми?»
3. «Абдураҳмон Жомий нақшбандия тариқатига киргандан сўнг ёзган асарларини биласизми?»

### Адабиётлар

Абдуллаев А. Илоҳий дўстлик: (Навоий ва Жомий) /Мулоқот.-2003.-№3.-Б.37-40.

Абдулқодиров А. Тавҳид-камолот манзили: [Жомий ва Навоий тавҳид, яъни Оллоҳнинг ягоналиги ҳақида] //Гулистон.-1998.-№2.-Б.60.

Абдураҳмон Жомий. (1414-1492): [Шоир Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад ҳақида] //Ёш куч.-1991.-№6.-Б.25.

Алиқулов Ҳ., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим тарбия ҳақида.-Т.,1981.-36б.

Воҳидов Р. Беш ҳайрат: Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг илк учрашувларига доир айрим қайдлар //Жамият ва бошқарув.-1998.-№3.-Б.50-52.

Жомий А. Шууримда намоёнсан дамо-дам /Форсийдан Ҳ. Саидғани таржимаси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-23 янв.

Жомий А. Юсуф ва Зулайҳо /Тузувчи ва масъул муҳаррир А.Қаюмов). - Т.: Ўзбекистон КП МК нашр., 1983.-112 б.

Жомий А. Баҳористон.-Т.: Ёзувчи, 1997.-111 б.

Жомий А. Ғазаллардан.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.-357 б.

Жомий А. Мен жонимни бераман... Шоҳбайтлар /К.Қаҳҳорова таржимаси //Тошкент оқшоми.-1994.-4 нояб.

Исаев А. Абдураҳмон Жомий ва мусиқа //Халқ таълими.-1996.-№3.-Б.81-82.

Норкулов Н. Абдураҳмон Жомий: 28-дарс //Маърифат.-1996.-18 май.

Самарқандий Давлатшоҳ. Нуриддин Абдураҳмон Жомий: [Буюк аллома ҳақида] /Форсчадан Б.Аҳмедов таржимаси //Мулоқот.-1999.-№4.-Б.32.

Сулаймонова Ф. Ақл ва тафаккур кучи.-Т.,1991.-64б.

Умрзоқов Б. Жомий-Хожагон тариқининг етук вакили //Шарқ юлдузи.-2002.-№4.-Б.143-145.

Хайитов Ш. Маърифат нури: А.Навоий талқинида А.Жомий // Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2003.-№2-3.-Б.107.

Хайитоа Ш. Баркамол инсон тимсоли:(А.Навоийнинг А.Жомий хотирасига бағишлаб яратилган «Хамсатул-мутахаййирин» асари ҳақида) //Тил ва адабиёт таълими.-2002.-№4.-Б.34-42.

Холмўминов М. Нақшбандия пири: [Шайх Абдураҳмон Жомий ҳақида] //Тафаккур.-2001.-№4.-Б.48-52.

Хусейнова А. Инсон борлигининг олий мазмуни: Абдураҳмон Жомий таваллудининг 580 йиллиги //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-25 нояб.

Хусейнова А. Таммага омонлик истаб: Жомий таваллудига 580 йил тўлади //Саодат.-1994.-№3.-Б.23.

Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий: [Ҳаёти ва ижоди].-Т., 1963.-36б

Босишга рухсат этилди “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2004 йил  
Бичими \_\_\_\_ нащр. т. \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер  
Навой номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп этилди